



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 30 » iyun

№ 405

Toshkent sh.

Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори ижросини таъминлаш, республикадаги мавжуд ҳамда янги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган **бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформаси** (кейинги ўринларда – платформа) ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, платформани доимий янгилаб бориш ва уни юритиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар 2021 йил 1 июлдан

бошлаб босқичма-босқич ўзларига қарашли бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини шакллантириб, платформага киритилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясига 2021 йил 1 июлдан бошлаб янги қурилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини шакллантириб, платформага доимий киритиб борилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги – янги қурилиши режалаштирилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг конструктив тизими, қурилиш майдонининг сейсмик даражаси, юк кўтарувчи конструкциялар материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантиришга;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортини шакллантиришга;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги – платформага киритилган электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларни сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратиш ҳамда техник ҳолатини баҳолашга, шунингдек, платформани юритишга;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги – бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик таъсирларга нисбатан заифлиги тўғрисидаги маълумотлар мониторингини юритишга масъул этиб белгилансин.

6. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги** низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан доимий равишда янги қурилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш ва платформага киритилишини таъминлаш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ўзларига қарашли бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортини шакллантириш ва платформага киритиш ҳамда заруратга қараб электрон техник паспортини мунтазам янгилан бориш;

Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги томонидан ҳамкорликда ҳар йили 15 январга қадар – платформага киритилган электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратиш ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига маълумот тақдим этиш;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан маълумот келиб тушгандан бошлаб ўн беш кун муддатда – бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик заифлиги бўйича олинган маълумотлар асосида барча вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга ўзларига қарашли бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хатини юбориш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан олти ой муддатда – сейсмик заиф ҳисобланган бино ва иншоотларни шартнома асосида инструментал-техник текширувдан ўтказиш, шунингдек, бино ва иншоотни мустақкамлаш чораларини кўриш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ўн беш кун муддатда – сейсмик мустақкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини қайтадан шакллантириш ва электрон платформага жойлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини бу ҳақида расмий хабардор этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари А.Х. Қўлдошев ҳамда Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятлов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “30” июндаги 405-сон қарорига
илова

Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республиканинг барча ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича электрон техник паспортларни (кейинги ўринларда – электрон техник паспортлар) шакллантириш тартибини белгилайди.

Электрон техник паспортларнинг ягона интеграциялашган платформасига (кейинги ўринларда – платформа) республиканинг барча ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортлари киритилади ва мунтазам янгилаб борилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

визуал текширув – таянч конструкциялардаги, қопламалар ва деворлардаги ёриқлар ҳамда шикастланишларни аниқлаш учун бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини кўздан кечириш;

инструментал-техник текширув – махсус кузатув, ўлчов ва назорат воситаларидан фойдаланган ҳолда бинолар ҳамда иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш;

сейсмик заифлик – бинолар ва иншоотларнинг конструкцияларида зилзила натижасида юзага келиши мумкин бўлган шикастланишлар ҳамда емирилишларнинг кўрсаткичлари;

сейсмик мустаҳкамлик (зилзилабардошлик) – аҳоли ҳаёти ҳамда мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлайдиган бинолар ва иншоотларнинг зилзила таъсирига бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари;

сейсмик фаол ҳудуд – сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш харитасида белгиланган, кучли зилзилалар юз бериши эҳтимоли доимо юқори бўлган ҳудуд;

электрон техник паспорт – бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолати тўғрисидаги зарур маълумотлар жамланган электрон ҳужжат.

3. Электрон техник паспортларни шакллантириш бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолати

тўғрисидаги маълумотларни тизимли равишда тўплаб бориш, қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Шакллантирилган электрон техник паспортлардан сейсмик хавф прогнози мавжуд бўлган ҳолларда бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ўрганиш, содир бўлиши кутилаётган зилзилага тайёргарлик кўриш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида фойдаланилади.

4. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспорти ҳамда уларнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича хулосалар, уларни визуал ва инструментал-техник текширувдан ўтказиш давомида ишлаб чиқилади.

5. Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар, электрон техник паспортлаштиришнинг объектлари ҳисобланади.

2-боб. Электрон техник паспортларни шакллантиришнинг мақсади ва вазифалари

6. Сейсмик хавф прогнози мавжуд бўлган ҳолларда бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ўрганиш ҳамда содир бўлиши кутилаётган зилзилага тайёргарлик кўриш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолатини яхшилаш бўйича зарур чораларни белгилаш электрон техник паспортларни шакллантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

7. Қуйидагилар электрон техник паспортларни шакллантиришнинг вазифалари ҳисобланади:

республиканинг барча ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларда доимий визуал ва инструментал-техник текширув ишларини ташкил этиш;

бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, жумладан, сейсмик ҳудудларда бино ва иншоотларни қуриш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, зилзиладан сўнг бино ва иншоотларда юзага келадиган зарарланишлар мониторингини олиб бориш;

сейсмик заиф бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар тўғрисида маълумотларни тўплаш, уларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

зилзила оқибатида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларга етказиладиган зарарларнинг олдини олиш, улардаги ускуналар, муҳандислик-коммуникация тармоқларидаги эҳтимолий бузилишлар даражасини аниқлаш.

3-боб. Электрон техник паспортларни шакллантиришда ўтказиладиган текширувлар

8. Электрон техник паспортларни шакллантиришда визуал ва инструментал-техник текширувлар ўтказилади.

9. Визуал текширув бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг техник ҳолатини, юк кўтарувчи конструкцияси, қоплама ва деворларидаги ёриқлар ҳамда зарарланишларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Республиканинг барча ҳудудларда жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар ҳар беш йилда сейсмик мустаҳкамлик бўйича визуал текширувдан ўтказилиши шарт. Зарурат туғилганда бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар навбатдан ташқари визуал текширувдан ўтказилиши мумкин.

10. Визуал текширув куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларни тўлиқ визуал кўриқдан ўтказиш;

пойдеворни, пойдеворнинг ташқи қисми, ертўла хоналарини текшириш;

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг конструкцияси, материаллар ва йиғма панелларни, ораёпма ва чокларни, чердак хоналарини текшириш;

ички коммунал-муҳандислик тармоқларини ва қурилмаларни текшириш;

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг қурилган санаси ва ундан фойдаланиш даврида содир бўлган ўзгаришлар ҳамда зарарланишлар тўғрисида батафсил маълумотларни йиғиш;

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг зарарланиши ва конструкцияларидаги деформациялар асосида унинг техник ҳолатини баҳолаш (I–сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда, II–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли, III–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, инструментал-техник текширувдан ўтказиш талаб этилади, IV–мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида);

инструментал-техник текширув ўтказиш зарурлиги ва бажарилиши лозим бўлган ишларнинг ҳажми тўғрисида хулоса чиқариш ҳамда конструкцияларни инструментал-техник текширувдан ўтказиш дастурини тузиш.

11. Визуал текширув натижалари бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ёки заифлиги тўғрисидаги дастлабки хулосани беришга асос бўлади.

12. Визуал текшириш жараёнида йирик нуқсонлар мавжудлиги аниқланган барча конструкциялар инструментал-техник текширувдан ўтказилади.

13. Инструментал-техник текширув асосий конструкциялардаги эгилишлар ва деформациялар, ёриқларнинг очилган сатҳи ўлчамларини ўлчаш, таянч тузилмалар материалининг ҳақиқий физик-механик тавсифини аниқлаш ҳамда бино ва иншоотларнинг, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлиги тўғрисида тўлиқ хулосага келиш мақсадида амалга оширилади.

Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар ҳар ўн йилда сейсмик мустаҳкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилади. Зарурат туғилганда бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлар навбатдан ташқари инструментал-техник текширувдан ўтказилиши мумкин.

14. Инструментал-техник текширув куйидагиларни ўз ичига олади:

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларга мослигини текширувдан ўтказиш;

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг конструктив ечими, режадаги шакли, габарит ўлчамлари, қаватлар баландлиги, антисейсмик чок орқали бўлмаларга (отсекларга) ажратилганлигини аниқлаш;

пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлаш;

бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларда ёриқлар, бошқа шикастланишлар ва деформацияланиш жойларини аниқ белгилаш;

ўлчов ишларини олиб бориш;

олинган намуналарни инструментал-техник текширувдан ва лаборатория тадқиқотидан ўтказиш;

тўпланган маълумотлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлигини модели тадқиқ этиш;

инструментал-техник текширувлар, ўлчов ишлари, лаборатория ҳамда модели тадқиқотларга мувофиқ бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг зарарланиши ва конструкцияларидаги деформациялар асосида унинг техник ҳолатини баҳолаш (I–сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда, II–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли, III–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, IV–мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида);

15. Инструментал-техник текширув натижасида олинган маълумотлар ва лаборатория таҳлиллари бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ёки заифлиги тўғрисида тўлиқ хулоса чиқаришга асос бўлади.

4-боб. Электрон техник паспортларни шакллантириш ва уни юритиш тартиби

16. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш ва уни юритиш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

17. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг визуал текширув асосида тузилган электрон техник паспорти ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунага мувофиқ шакллантирилади.

18. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг инструментал-техник текширув асосида тузилган электрон техник паспорти ушбу Низомга 3-иловада келтирилган намунага мувофиқ шакллантирилади.

19. Сув омборлари ва сел сув омборлари ҳамда сейсмик хавфлилик даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг электрон техник паспорти ушбу Низомга 4-иловада келтирилган намунага мувофиқ шакллантирилади.

20. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар ўзларига қарашли бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортини визуал текширув асосида шакллантиради ва заруратга қараб инструментал-техник текширув асосида мунтазам янгилаб боради ва платформага киритилишини таъминлайди.

Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар шакллантирилган ва платформага киритилган электрон техник паспортларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси янги қурилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини инструментал-техник текширув асосида шакллантиради ва платформага киритилишини таъминлайди.

22. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги республикадаги мавжуд кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортини визуал текширув асосида шакллантиради ва заруратга қараб инструментал-техник текширув асосида мунтазам янгилаб боради ва платформага киритилишини таъминлайди.

23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик таъсирларга нисбатан заифлиги тўғрисида доимий мониторинг юритади.

24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар йили 15 январга қадар платформага киритилган электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларни сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратиб чиқади ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этади.

25. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўн беш кун муддатда бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик заифлиги бўйича олинган маълумотлар асосида вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга уларга қарашли бино ва иншоотларни инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хати юборади.

26. Бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлари сейсмик мустаҳкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хатини олган барча вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар олти ой давомида сейсмик заиф ҳисобланган бино ва иншоотларини инструментал-техник текширувдан ўтказиш учун Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари, қурилиш соҳасидаги лойиҳалаш ташкилотлари, махсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига мурожаат қилади ва шартнома асосида текширувдан ўтказиши, шунингдек, бино ва иншоотнинг сейсмик ҳолатини мустаҳкамлаш чораларини кўради.

27. Бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жойлари сейсмик мустаҳкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилган вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар электрон техник паспортларни инструментал-техник текширув асосида қайтадан шакллантиради ва электрон платформага жойлайди ҳамда ўн беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини бу ҳақида расмий хабардор қилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспорти фойдаланишнинг тўлиқ даври давомида (бузиб ташлангунига қадар) сақланади.

29. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг конструктив ва муҳандислик таъминотида оид ўзгартиришлар электрон техник паспортга фақат навбатдаги инструментал-техник текширувдан сўнг киритилади.

30. Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик заифлиги тўғрисидаги маълумотларни вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа

ташкilotларга тақдим этиш тақиқланмайди, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган маълумотлар бундан мустасно.

Давлат сирларига оид маълумотларни умумлаштириш ва бериш тартиби ҳамда шартлари “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

31. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкilotларнинг раҳбарлари электрон техник паспорт маълумотларнинг тўғрилиги учун масъулдирлар.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустақамлигини баҳолаш
бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг
электрон техник паспортларини шакллантириш ва уни юритиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Муддати
1-босқич	Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар	Ўзларига қарашли бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортини визуал текширув асосида шакллантиради ва платформага киритилишини таъминлайди.	2022 йил 1 апрелга қадар
	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Республикадаги мавжуд кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортини визуал текширув асосида шакллантиради ва платформага киритилишини таъминлайди.	2022 йил 1 апрелга қадар
	Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси	Электрон техник паспортни инструментал-техник текширув асосида мунтазам янгилаб боради. Янги қурилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини инструментал-техник текширув асосида шакллантиради ва платформага киритилишини таъминлайди.	Заруратга қараб Доимий
2-босқич	Фанлар академияси Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда	Платформага киритилган электрон техник паспортлар асосида бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларни сейсмик заифлиги бўйича турларга ажратиб чиқади ва Фавқулудда вазиятлар вазирлигига маълумот тақдим этади.	Ҳар йили 15 январга қадар
3-босқич	Фавқулудда вазиятлар вазирлиги	Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик заифлиги бўйича олинган маълумотлар асосида вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга уларга қарашли бино ва иншоотлар инструментал-техник текширувдан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантириш хати юборади.	Маълумот келиб тушгандан бошлаб 15 кун муддатда

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Муддати
4-босқич	Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар	Сейсмик заиф ҳисобланган бино ва иншоотларни шартнома асосида инструментал-техник текширувдан ўтказилади. Инструментал-техник текширувдан ўтказилган бино ва иншоотни мустаҳкамлаш чораларини кўради.	3 ой муддатда 3 ой муддатда
5-босқич	Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар	Сейсмик мустаҳкамлик бўйича инструментал-техник текширувдан ўтказилган бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг электрон техник паспортларини инструментал-техник текширув асосида қайтадан шакллантиради ва электрон платформага жойлайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини бу ҳақида расман хабардор қилади.	15 кун муддатда

Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини
баҳолаш бўйича электрон техник паспортларни
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНА

**Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг
визуал текширув асосида тузилган
электрон техник паспорти**

Т/р	I. Умумий маълумотлар	
1.	Объектнинг электрон техник паспорти тўлдирилган сана	
2.	Объект номи	
3.	Объектнинг қурилган йили	
4.	Объектнинг электрон техник паспортини шакллантирган ташкилот (юқори турувчи ташкилот номи)	
5.	Кадастр рақами	
6.	Объект жойлашган жой (вилоят, туман ёки шаҳар, кўча, уй)	
7.	Боғланиш учун маълумотлар (телефон, электрон почта, веб-сайт ва бошқалар)	
8.	Объектнинг геолокацияси координаталари (интернет жаҳон ахборот тармоғидан мобил алоқа ёрдамида Google Map дастури орқали олинади)	
9.	Объектнинг тарихий-маданий аҳамиятига эга эканлиги тўғрисида маълумотлар	
10.	Бино ва иншоотлари сони	
II. Бино ва/ёки иншоотнинг техник кўрсаткичлари*		
11.	Кадастр рақами	
12.	Бино ва/ёки иншоотнинг номи	
13.	Бино ва/ёки иншоот жойлашган жой (вилоят, туман ёки шаҳар, кўча, уй)	
14.	Бино ва/ёки иншоотнинг қурилган йили	
15.	Қурилиш майдонининг сейсмиклиги (кадастр хужжатидан ёки сейсмик ҳудудлаштириш харитасидан олинади, 6, 7, 8, 9, 9*)	
16.	Бино ва/ёки иншоотнинг геолокацияси координаталари (интернет жаҳон ахборот тармоғидан мобил алоқа ёрдамида Google	

	Мар дастури орқали олинади)	
17.	Бино ва/ёки иншоотнинг конструктив ечими (ғиштли, темир-бетон каркасли, куйма темир-бетон, йирик панелли, каркассиз (деворли), ҳажмий-блоккли, комбинациялашган)	
18.	Режадаги шакли (тўғри бурчакли, Т шаклда, L шаклда, Н шаклда, комбинациялашган шаклда)	
19.	Қаватлар сони	
20.	Бино ва/ёки иншоотнинг габарит ўлчамлари	
21.	Қаватлар баландлиги (полдан ораёпмагача, метрда)	
22.	Реконструкция қилинган йили	
23.	Реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги (конструкциялари мустаҳкам, конструкцияларда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилган, конструкцияларда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмаган)	
24.	Бино ва/ёки иншоотнинг паспорт тўлдирилаётган кундаги ҳолати (меъёрда, қониқарли, инструментал-техник текширувдан ўтказиш талаб этилади, мустаҳкамлаш талаб этилади, қониқарсиз, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида)	
25.	Бино ва/ёки иншоотнинг антисейсмик чок орқали бўлмаларга (отсекларга) ажратилганлиги (ажратилган, ажратилмаган)	
26.	Бино ва/ёки иншоотнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг ҳолати (шикастланишлар мавжуд эмас, сезиларсиз шикастланишлар мавжуд, сезиларли ёриқлар мавжуд (оз миқдорда), сезиларли ёриқлар мавжуд (кўп миқдорда))	
27.	Бино ва/ёки иншоотнинг zilzilalar таъсирида ҳолати ўзгарганлиги (ўзгармаган, ўзгарган, чўкишлар мавжуд)	
28.	Бино ва/ёки иншоотнинг лойиҳа ва кадастр ҳужжатлари (илова қилинади)	
29.	Бино ва/ёки иншоотнинг умумий ҳолати бўйича расмлар (кўриниши,	

	шикастланишлар мавжуд бўлган жойлар, юк кўтарувчи конструкцияларидаги мавжуд шикастланишлар илова қилинади)	
30.	Бино ва/ёки иншоотда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари ўтказилганлиги тўғрисида маълумот (мавжуд бўлса, маълумот илова қилинади)	
31.	Яқуний хулоса (I–сейсмик мустаҳкамлиги меъёрида, II–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли, III–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, инструментал-техник текширувдан ўтказиш талаб этилади, IV–мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида)	

**) Шу жойдан бошлаб объектнинг ҳар бир биноси учун маълумотлар алоҳида тўлдирилади.*

Изоҳ.

Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгашнинг хулосаси билан электрон техник паспортга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини
баҳолаш бўйича электрон техник паспортларни
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

НАМУНА

**Бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп квартирали уй-жойларнинг
инструментал-техник текширув асосида тузилган
электрон техник паспорти**

Т/р	I. Умумий маълумотлар	
1.	Объектнинг электрон техник паспорти тўлдирилган сана	
2.	Объект номи	
3.	Объектнинг қурилган йили	
4.	Объектнинг электрон техник паспортини шакллантирган ташкилот (юқори турувчи ташкилот номи)	
5.	Кадастр рақами	
6.	Объект жойлашган жой (вилоят, туман ёки шаҳар, кўча, уй)	
7.	Боғланиш учун маълумотлар (телефон, электрон почта, веб-сайт ва бошқалар)	
8.	Объектнинг геолокацияси координаталари (интернет жаҳон ахборот тармоғидан мобил алоқа ёрдамида Google Map дастури орқали олинади)	
9.	Объектнинг тарихий-маданий аҳамиятига эга эканлиги тўғрисида маълумотлар	
10.	Бино ва иншоотлари сони	
II. Бино ва/ёки иншоотнинг техник кўрсаткичлари		
11.	Кадастр рақами	
12.	Бино ва/ёки иншоотнинг номи	
13.	Бино ва/ёки иншоот жойлашган жой (вилоят, туман ёки шаҳар, кўча, уй)	
14.	Бино ва/ёки иншоотнинг қурилган йили	
15.	Қурилиш майдонининг сейсмиклиги (кадастр ҳужжатидан ёки сейсмик ҳудудлаштириш харитасидан олинади, 6, 7, 8, 9, 9*)	
16.	Бино ва/ёки иншоотнинг геолокацияси координаталари (интернет жаҳон ахборот тармоғидан мобил алоқа ёрдамида Google	

	Мар дастури орқали олинади)	
17.	Бино ва/ёки иншоотнинг конструктив ечими (ғиштли, темир-бетон каркасли, кўйма темир-бетон, йирик панелли, каркассиз (деворли), ҳажмий-блоккли, комбинациялашган)	
18.	Режадаги шакли (тўғри бурчакли, Т шаклда, L шаклда, Н шаклда, комбинациялашган шаклда)	
19.	Қаватлар сони	
20.	Бино ва/ёки иншоотнинг габарит ўлчамлари	
21.	Қаватлар баландлиги (полдан ораёпмагача, метрда)	
22.	Мансард қисми (чердак) баландлиги	
23.	Техник қават баландлиги	
24.	Ертўланинг мавжудлиги, унинг ўлчамлари	
25.	Бино ва/ёки иншоотнинг антисейсмик чок орқали бўлмаларга (отсекларга) ажратилганлиги (ажратилган, ажратилмаган)	
26.	Баланс қиймати (мавжуд бўлса)	
27.	Пойдевор тури: - тасмасимон; - устунсимон; - плитасимон; - яхлит; - қозиксимон.	
28.	Юк кўтарувчи конструкциялари: - ғиштли; - яхлит; - темир-бетон каркасли; - йирик панелли; - комбинациялашган.	
29.	Ораёпмалар: - темир-бетон плиталар; - ёғоч тўсинлар; - бошқа.	
30.	Том қисми: - юмшоқ том ёпмаси; - чердакли том; - бошқа.	
31.	Антисейсмик тадбирлар (АСТ): - антисейсмик чоклар билан ажратилган бўлинмалар сони,	

	<ul style="list-style-type: none">- антисейсмик чоклар билан ажратилган бўлинмаларнинг ўлчамлари;- кўндаланг деворлар (колонналар) қадами;- бўйлама девор (колонналар) сони;- бўйлама девор (колонналар) оралиғи;- сейсмик камарларнинг мавжудлиги (мавжуд, мавжуд эмас);- боғловчи камарларнинг мавжудлиги (мавжуд, мавжуд эмас);- дераза ораликларининг ўлчамлари;- пардеворларнинг ўлчамлари.	
32.	Конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари: <ul style="list-style-type: none">- бетон синфи;- ғишт маркаси;- қоришма синфи;- арматура синфи ва диаметри;- пўлатнинг ҳисобий қаршилиги;- ғишт ёки тошдан терилган деворлар тоифасини аниқлаш;- бинонинг мустаҳкамлик захирасини аниқлаш.	
33.	Лойиҳа: <ul style="list-style-type: none">- индивидуал;- намунавий лойиҳа рақами.	
34.	Лойиҳа ташкилотининг номи (мавжуд бўлса)	
35.	Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган ташкилот номи (мавжуд бўлса)	
36.	Лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларнинг мавжудлиги (илова қилинади): <ul style="list-style-type: none">- ишчи лойиҳалар: режалар, қирқимлар, деворларнинг кучайтирилиши, ораликларнинг ташкил қилиниши, каркаснинг асосий тугунлари, сейсмик камарлар, пойдеворлар ва бошқалар;- юк кўтарувчи конструкциялар, ҳисоб схемалар, сейсмик таъсирлар даври, мустаҳкамлик ва динамик кўрсаткичлари;- муҳандислик-геологик шароитларнинг кўрсаткичлари;- сейсмик хоссалари бўйича замин грунтининг тоифаси, ўта чўкувчанлик тури, намлиги, грунтларнинг юк кўтариш қобилияти, ички ишқаланиш бурчаги, ер ости сувларининг сатҳи;- ёпилган (яширин) ишлар далолатномалари;	

	<ul style="list-style-type: none">- бетон, ғишт, қоришма ва бошқа материалларнинг назорат намуналарини синовдан ўтказиш баённомалари;- муаллифлик техник назорати журналларининг мавжудлиги;- ҳисобланган сейсмиклиги;- майдоннинг сейсмиклиги;- сизот сувлар сатҳи ва мавсумий тебранишлар амплитудаси;- пойдеворларга нисбатан агрессив тузлар ва сизот сувлар миқдори.	
37.	Қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари: <ul style="list-style-type: none">- сув босиши эҳтимоли мавжуд;- сувдан ҳимоя қилиш қурилмалари мавжуд;- дренажлар, ариқлар мавжуд;- тегишли нишабликка эга сувни чиқариш тизимлари мавжуд.	
38.	Экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра қурилиш майдонининг сейсмиклиги	
39.	Муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларининг мавжудлиги: <ul style="list-style-type: none">- газ таъминоти;- электр таъминоти;- шаҳар телефон алоқаси таъминоти;- совуқ сув таъминоти;- иссиқ сув таъминоти;- иситиш тизими;- оқова сув чиқариш тизими;- ертўлада, пол остидаги хонада, иссиқлик узелларида сувнинг мавжудлиги;- ёғинлар сабабли сув босиши.	
40.	Нормал ва хавфсиз эксплуатация қилиш учун объектнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва ишончлилиги таъминланганлиги	
41.	Бино ва/ёки иншоотнинг паспорт тўлдирилаётган кундаги ҳолати (меъёрда, қоникарли, мустаҳкамлаш талаб этилади, қоникарсиз, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида)	
42.	Бино ва/ёки иншоотнинг фойдаланишга қабул қилиш-топшириш далолатномаси (илова қилинди)*	
43.	Реконструкция қилинган йили	
44.	Бино ва/ёки иншоотнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг ҳолати (шикастланишлар мавжуд эмас,	

	сезиларсиз шикастланишлар мавжуд, сезиларли ёриқлар мавжуд (оз миқдорда), сезиларли ёриқлар мавжуд (кўп миқдорда))	
45.	Реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги (конструкциялари мустаҳкам, конструкцияларда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилган, конструкцияларда кучайтириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмаган)	
46.	Муҳандислик-геологик кўрсаткичлари: - сизот сувлар сатҳи; - чўкувчанлик, намлик, юк кўтариш қобилияти; - ички ишқаланиш бурчаги; - грунтнинг механик хоссалари; - грунт тоифаси; - пойдеворларни очиш.	
47.	Табийий офатлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ аварияларнинг оқибатлари: - пойдеворларда ёриқлар пайдо бўлган; - деворлардаги дераза оралиқлари бўйича ёриқлар пайдо бўлган; - ташқи девор атрофи тўшамасидаги қолдиқ деформациялар мавжуд; - деворлар ва зина майдончалари, зина маршлари орасида ёриқлар ҳосил бўлган; - ораёпма панеллари орасидаги чоклар очилган; - бўйлама ва кўндаланг деворлар бирлашадиган жойларда узилиш ёриқлари мавжуд; - сейсмик чоклар билан ажратилган бўлинмаларнинг бир бирига нисбатан чўкишлар мавжуд; - сейсмик камарларда ёриқлар мавжуд; - каркасли биноларда ригеллар монолит тарзда туташган жойларда деформациялар мавжуд; - ораёпма плиталари юк кўтарувчи деворларга нисбатан силжиган; - каркасли биноларда осма панелларни маҳкамлаш элементларида деформациялар мавжуд; - колонна ва ригелларда ёриқлар мавжуд; - эркер, балконлар, парапетларда шикастланишлар мавжуд; - ишлаб чиқариш технологиясининг портлашдан хавфсизлиги, вентиляциянинг ҳолати (таъминланган, қониқарли,	

	қониқарсиз); - табиий офатлар вақтида портлаш потенциал манбаларининг мавжудлиги ва уларгача бўлган масофа.	
48.	Эҳтимолий табиий офатлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ аварияларда объектнинг тўлиқ ёки қисман шикастланишини ҳисобга олган ҳолда моддий зарар ва одамлар ҳаёт хавфсизлигини баҳоланганлиги	
49.	Бино ва/ёки иншоотнинг сейсмик мустаҳкамлигини модели тадқиқ этиш учун зарур чизмалар (илова қилинади): - режалар (ертўла, биринчи ва ўхшаш қаватлар); - қирқимлар; - юк кўтарувчи конструкцияларнинг маҳкамланиш тугунлари.	
50.	Аввалги таъмирлаш-тиклаш ишлари самарадорлигининг ўлчов асбоблари ёрдамида динамик кўрсаткичларини аниқлаш	
51.	Аниқлаштирилган сейсмиклик мувофиқлигини ўзгартирилган шароитларни ҳисобга олган ҳолда текшириш учун назорат ҳисоблашларини амалга ошириш	
52.	Тегишли ҳудуднинг сейсмиклигига мос келувчи ер силкинишидаги эҳтимолий зарар	
53.	Юк кўтарувчи конструкциялар ва улар элементларини кучайтириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш	
54.	Объектнинг техник ҳолатини текшириш натижалари бўйича баҳолаш: - объектнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва ишончлилиги таъминланган, ундан конструкцияларни кучайтирмасдан фойдаланишга рухсат берилади; - сейсмик мустаҳкамлиги таъминланмаган, ундан келгусида фойдаланишга йўл қўйилиши учун юк кўтарувчи конструкциялар ва уларнинг элементларини кучайтириш талаб этилади; - объектнинг сейсмик мустаҳкамлиги таъминланмаган, унинг конструкцияларини тиклаш ва кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди ҳамда объектдан бошқа	

	мақсадларда фойдаланиш ёки бузиш тавсия қилинади.	
55.	Яқуний хулоса (I–сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда, II–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли, III–сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, IV–мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида)	

**Шу жойгача янги қурилаётган бино ва/ёки иншоотлар учун, кейинги бандлардан бошлаб мавжуд бино ва/ёки иншоотлар учун маълумотлар тўлдирилади.*

Бино ва иншоотларда инструментал-техник текширувни олиб борган ташкилот (номи, манзили, идентификацион маълумотлари, лицензияси)

Текшириш санаси _____

Ижрочи

Объект раҳбари

(фамилияси, исми)

(фамилияси, исми)

20 ____ йил “ ____ ” _____

20 ____ йил “ ____ ” _____

Изоҳ.

Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгашнинг хулосаси билан электрон техник паспортга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини
баҳолаш бўйича электрон техник паспортларни
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

НАМУНА

**Сув омборлари ва сел сув омборлари ҳамда сейсмик хавфлилик
даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг
электрон техник паспорти**

I. Сув омбори (сел сув омбори):		
1.	Сув омборининг номланиши	
2.	Сув омбори жойлашган манзил	
3.	Сув манбаи (дарё, сой, канал)	
4.	Сув омбори қурилган йил	
5.	Сув омбори вазифаси (қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, гидроэнергетика, рекреация ва бошқа)	
6.	Сув омбори фойдаланишга қабул қилинган сана	
7.	Сув омборининг бош лойиҳа ташкилоти номи	
8.	Сув омборидан фойдаланувчи ташкилот номи	
9.	Сув омборининг лойиҳа бўйича белгиланган синфи (I, II, III, IV)	
10.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича зилзилабардошлик кўрсаткичи	
11.	Сув омборининг тури (ўзанли, қуйилмали)	
12.	Сув омбори қурилишда фойдаланилган материалларга кўра тўғонининг тури (тупроқли, тош ташламали, бетон қопламали, ядроли, аркали, контрфорсли ва бошқа)	
13.	Сув омборининг асосий таркибий қисмлари:	
	сув ҳавзаси	
	тўғон	
	сув олиш иншооти	
	сув чиқариш иншооти	
	фавқулодда сув ташлаш иншооти	
14.	Сув омборининг лойиҳа бўйича асосий кўрсаткичлари:	
	максимал сув ҳажми, млн куб м	
	нормал сув ҳажми, млн куб м	
	ўлик сув ҳажми, млн куб м	
15.	Сув омбори тўғонининг:	
	максимал баландлиги, м	
	усти (ўркачи) бўйича узунлиги, м	
16.	Сув омборининг 20 ___ йил ___ ойдаги ҳолатига:	
	максимал сув ҳажми, млн куб м	
	нормал сув ҳажми, млн куб м	
	ўлик сув ҳажми, млн куб м	
17.	сейсмик ҳолати:	
	I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда;	
	II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли;	

	III-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, IV- мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида,...	
II. Гидроузеллар:		
1.	Гидроузелнинг номланиши	
2.	Гидроузел жойлашган манзил	
3.	Гидроузел қурилган сув манба номи (дарё, сой, канал)	
4.	Гидроузелнинг бош лойиҳа ташкилотининг номи	
5.	Гидроузел қурилган йил	
6.	Гидроузел фойдаланишга қабул қилинган сана	
7.	Гидроузел синфи (I, II, III, IV)	
8.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича зилзилага бардошлик кўрсаткичи	
9.	Гидроузелнинг тури (сув оқимиға фронтал, бурчак остида, ёнлама)	
10.	Гидроузелнинг асосий лойиҳавий кўрсаткичлари: максимал баландлиги, м узунлиги, м сув чиқарувчи ишчи дарвозалар сони, та ишчи дарвоза конструкцияси (ясси, сегментли, конусли, ...)	
11.	Сув омборининг 20__ йил ____ ойидаги ҳолатига:	
12.	сейсмик ҳолати: I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда; II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли; III-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, IV- мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида,...	
III. Насос станциялари:		
1.	Насос станциясининг номланиши	
2.	Насос станцияси жойлашган манзил	
3.	Насос станциясининг сув олиш манбаи (дарё, сой, канал, ...)	
4.	Насос станцияси бош лойиҳа ташкилотининг номи	
5.	Насос станцияси қурилган йили	
6.	Насос станцияси фойдаланишга қабул қилинган сана	
7.	Насос станцияси синфи (I, II, III, IV)	
8.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича зилзилага бардошлик кўрсаткичи	
9.	Насос станциясининг асосий лойиҳавий кўрсаткичлари: максимал сув кўтариш баландлиги, м насос агрегатининг: <i>маркаси</i> <i>сони</i> <i>сув сарфи, куб м/с</i> электр двигателнинг: <i>маркаси</i> <i>сони</i> <i>қуввати, млн кВт. соат</i> насос станциясининг умумий: <i>сув сарфи, куб м/с</i>	

	<i>қуввати, млн кВт. соат</i>	
	босимли қувур:	
	<i>сони, та</i>	
	<i>диаметри, м</i>	
	<i>узунлиги, м</i>	
	жами суғориладиган майдон, га	
10.	Насос станциясининг 20__ йил ____ ойидаги ҳолатига:	
11.	I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда; II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли; III- сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз; IV- мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида, ...	
IV. Гидроэлектростанциялар:		
1.	Гидроэлектростанциянинг номи	
2.	Гидроэлектростанция жойлашган манзил	
3.	Гидроэлектростанция тури (тўғон олди, деривационли ва бошқа)	
4.	Гидроэлектростанциянинг сув олиш манбаи (дарё, сой, сув омбори, канал, ...)	
5.	Гидроэлектростанциянинг бош лойиҳа ташкилоти номи	
6.	Гидроэлектростанция қурилган йил	
7.	Гидроэлектростанция фойдаланишга қабул қилинган сана	
8.	Гидроэлектростанциянинг синфи (I, II, III, IV)	
9.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича зилзилага бардошлик кўрсаткичи	
10.	Гидроэлектростанциянинг асосий лойиҳавий кўрсаткичлари:	
	максимал сув босими баландлиги, м	
	гидроагрегатнинг:	
	<i>маркаси</i>	
	<i>сони</i>	
	<i>сув сарфи, куб м/с</i>	
	<i>қуввати, млн кВт. соат</i>	
	гидроэлектростанциянинг умумий:	
	<i>сув сарфи, куб м/с</i>	
	<i>қуввати, млн кВт. соат</i>	
	босимли қувур:	
	<i>сони, та</i>	
	<i>диаметри, м</i>	
	<i>узунлиги, м</i>	
11.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК) бўйича зизилабардошлик кўрсаткичи	
12.	Гидроэлектростанцияларнинг 20__ йил ____ ойидаги ҳолатига:	
13.	I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда; II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли; III- сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз; IV- мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида, ...	

V. Каналлар (сейсмик ҳудудларда жойлашган тоғ ён бағридан ўтувчи, кўтарма ва ярим кўтарма каналлар)		
1.	Канал номи	
2.	Канал жойлашган манзили	
3.	Каналнинг сув олиш манбаи (дарё, сой, сув омбори, ...)	
4.	Каналнинг бош лойиҳа ташкилоти номи	
5.	Канал қурилган йил	
6.	Канал фойдаланишга қабул қилинган сана	
7.	Каналнинг синфи (I, II, III, IV)	
8.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича зилзилага бардошлик кўрсаткичи	
9.	Каналнинг асосий лойиҳавий кўрсаткичлари:	
	жами узунлиги, км	
	шундан:	
	бетон қопламали, км	
	тувроқ ўзанли, км	
	қувурли, км	
	максимал сув сарфи, куб м/с	
	нормал сув сарфи, куб м/с	
	минимал сув сарфи, куб м/с	
	суғориладиган жами майдон, га	
	каналдаги жами гидротехника иншоотлари сони, та	
	шундан:	
	сув тўсувчи иншоотлар, та	
	сув чиқариш иншоотлар, та	
	авария ташламалари, та	
	бошқа иншоотлар, та	
10.	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича зилзилабардошлик кўрсаткичи	
11.	Каналнинг 20__даги ҳолатига:	
12.	I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда; II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли; III- сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз; IV- мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида, ...	

Изоҳ.

Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгашнинг ҳулосаси билан электрон техник паспортга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

